

---

## 21 октябрь — Ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилган кун.

21 октябрь — Ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилган кун.

Данғара тумани Ахборот кутубхона марказида Ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилганининг 35 йиллиги муносабати билан маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Тадбирда таниқли ижодкорлар, Маънавият ва маърифат маркази Данғара тумани бўлими рахбари, Данғара газетаси ходимлари, умумтаълим мактабларининг ўқувчилари ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Тадбирда сўз олганлар асрлар давомида ўзбек тили ва унинг ривожига ҳисса қўшган улуғ аجدодларимиз, улар амалга оширган эзгу ишлар ёдга олиниб, бугунги кунда ўзбек адабий тилига қаратилаётган эътибор, ёш авлодни она тилимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш борасида сўз юритилди.

Шунингдек, мактаб ўқувчилар томонидан она тилимизни тараннум этувчи шеър ва кўй-қўшиқлар тадбирга янада кўтаринки руҳ бағишлади.

---

2024-10-21 18:05:02